



ИНГЛИЗ ТИЛИДА ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БУЛАКЛАР МУАММОСИ

Н.Н.Зубайдова

Самарқанд ДЧТИ Инглиз тили назарияси ва адабиёти
кафедраси катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7427495>

Аннотация

Мазкур ишда турли тизимли тилларда, жумладан, инглиз ва ўзбек тилларида локативлик категориясини ва уларнинг дейктик ҳодисаларини аниқ лисоний методлар асосида қиёсий таҳлил қилиб ўрганиш илк бор амалга оширилмоқда.

Маълумки, анъанавий грамматикаларда гап таркибида иштирок этган синтактик бирликларни гап бўлакларига ажратиб таҳлил қилиш ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб бераолмайди, шунга кўра гапнинг синтактик таҳлиliga янгича ёндашувни тақозо қилмоқда.

Калит сўзлар: бош бўлак, иккинчи даражали бўлак, морфологик хусусиятлар, равишли аниқловчи, равишли ҳол, синтактик бирликлар, тўлдирувчи, бирликларнинг морфологик хусусияти.

Аннотация

В данной работе впервые проводится сравнительный анализ локативной категории и их дейктических явлений в разных систематических языках, в том числе в английском и узбекском, на основе конкретных лингвистических методов.

Известно, что в традиционных грамматиках анализ синтаксических единиц, входящих в структуру предложения, путем разделения их на фрагменты предложения не может в полной мере отвечать требованиям настоящего времени, поэтому предлагается новый подход к синтаксическому анализу предложения. требуется.

Ключевые слова: первичное предложение, вторичное предложение, морфологические признаки, прогрессивный определитель, прогрессивный падеж, синтаксические единицы, дополнение, морфологические свойства единиц.

Abstract

In this work, a comparative analysis of the locative category and their deictic phenomena in different systematic languages, including English and Uzbek, is carried out for the first time based on specific linguistic methods.

It is known that in traditional grammars, the analysis of the syntactic units involved in the structure of the sentence by separating them into sentence fragments cannot fully meet the requirements of the present time, therefore, a new approach to the syntactic analysis of the sentence is required.

Key words: primary clause, secondary clause, morphological features, progressive determiner, progressive case, syntactic units, complement, morphological properties of units.

Маълумки, тилшуносликдаги мавжуд барча амалий ва назарий грамматикаларда гапнинг синтактик таҳлили деганда гап қурилмасида иштирок этувчи синтактик бирликларни бош ва иккинчи даражали бўлакларга ажратиб таҳлил қилиш анъанага айланиб қолди [62, 238-399; 159, 31-68; 54; 55, 68-120; 165]. Айрим инглизшунос

олимларнинг таъкидлашича: “бош бўлақлардан фақат “subject” эга ва “predicate” кесимни тан олишиб, иккинчи даражали бўлақларни “modifiers” деб атайди ва уларнинг морфологик хусусиятларига кўра уч гуруҳга бўлади: 1) “Attributive Adjective modifiers, which modify a noun or a pronoun. 2) Objective modifiers, which modify a verb, an adjective or an adverb. Adverbial Modify a verb, an adjective or another adverb.” [217, 151-158; 63; 83; 269].

Гапнинг бундай таҳлилида, айниқса, тўлдирувчини ҳолдан ёки аниқловчидан фарқлаш анча қийинчиликларга олиб келади. Ёки Р.В.Зандвортнинг фикрига қараганимизда ҳам гапнинг эгаси ва кесими тан олинибгина иккинчи даражали бўлақларни “Adverbial adjuncts” (равишли аниқловчи, равишли ҳол) деб талқин қилади [257, 211]. Ушбу ҳолатда ҳам тўлдирувчи ҳақида ҳеч қандай муносабат билдирилмайди. Ҳ.Вайтхолнинг таъкидича, гап таҳлилини қуйидагича моделга тушириб таҳлил қилишни афзал кўради:

Масалан: The reporter gave the lady a present.

Subject	Predicate		
1	2 Verb	3 inner complement	4 outer complement
The reporter	Gave	the lady	a present

[256, 36-40]

Юқоридаги моделдан аниқланишича феъл ва ундан кейин иштирок этган синтактик бирликларнинг барчасини кесим деб аталганлигининг гувоҳи бўлди.

П.Робертс эса гап қурилмасида иштирок этган бирликларнинг морфологик хусусиятига кўра содда гапнинг еттита намунасига мисоллар келтириб, уларни морфологик жиҳатдан қолиплаштиради.

Масалан:

1. $n \leftrightarrow v$	2. $n \leftrightarrow v$	Adj.	3. $n \leftrightarrow v$	n
Lions rear	Albert was	unhappy	Lions eat	meet

ва ҳоказолар [252, 201-208]

Қайд этилган инглизшунос олимларнинг гапнинг синтактик таҳлиliga бундай ёндашиш, синтактик таҳлил эмас, балки морфологик таҳлилдир.

Маълумки, бош бўлақлар дейилганда гапнинг эгаси ва кесими англашилса, иккинчи даражали бўлақлар дейилганда эса тўлдирувчи, аниқловчи ва ҳолларни тушунамиз. Бундай иккинчи даражали бўлақларнинг таснифи гапнинг мундарижаси ва структураси билан боғлиқ бўлиб, бир қанча семантик ва лексик-грамматик белгиларга асосланади. Иккинчи даражали бўлақлар тушунчасини рус тилшунослигидаги икки лингвистик мактаб намоёндалари турлича талқин қилишади.

Биринчи мактабга мансуб тилшунослар иккинчи даражали бўлақларни ажратишда логик-грамматик тамойилдан келиб чиқиб маънога қараб сўроқ қўйиш ҳамда унсурларнинг ўзаро боғланиш усуллари аниқлашдан келиб чиқса [27; 38, 445-450], бошқа мактаб намоёндалари морфологик тамойилга таянган ҳолда сўз туркумларининг гап бўлақларига мутаносиблигидан келиб чиқишни афзал кўрадилар [189, 388; 132, 267; 137, 81]. Бундай назарий қарашлар синтаксиснинг ривож топишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилганига қарамасдан, юқорида қайд этилган мактаблар намоёндалари гап қурилмасида иккинчи даражали бўлақларни ажратиш тамойилларини ва уларни тадқиқ этиш методларини тўла аниқлаб бера олмадилар.

Шунинг учун рус тили материалида баён қилинган қуйидаги илмий қараш муҳим аҳамият касб этади: “Гапда учта иккинчи даражали бўлак турлари (аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол)ни ажратишда гап қурилмасида сўзларнинг ўзаро алоқаларини аниқлашда гап қурилмаси сунъий равишда схемага туширилади. Бу эса гапнинг иккинчи даражали бўлакларини қайтадан кўриб чиқишга мажбур этади” [43; 47; 55, 95-97; 68, 171-172; 182, 18-31; 15; 76]. Шу борада қайд этиш жоизки, икки таркибли гаплар таҳлилида, айрим монографик тадқиқотларда анъанавий атамалардан “тўлдирувчи”, “ҳол”, “аниқловчи” лар ўрнига бошқа атамалардан фойдаланилганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин, яъни Т.С.Кириллова уларни “семантические распространители” деб атайдиган ва уларни қуйидагиларга ажратиб таҳлил қилишни тавсия этади: “Семантические распространители делятся на семантический объект, семантический атрибут, семантический адресат, обстоятельственные, детерминирующие распространители – пространственный, временной, условный, причины, цели, обстановки (ситуации). [78, 17-19]. В.А. Белошапкова эса гап бўлакларини “главные” ва “неглавные” ларга бўлиб таҳлил қилиш ҳақида гапириб, “главные” деганда гапнинг предикатив асосини ташкил этувчилар бўлса, “неглавные” гапнинг предикатив асосига кирмайдиган элементлар бўлиб, улар ўз навбатида иккига бўлинади, яъни гапнинг структур схемасига кирувчилар ва гапнинг структур схемасига кирмайдиганларга ажратиб таҳлил қилишни тавсия этади [30, 133-135; 273].

Ҳар бир гап бўлагининг морфологик ва синтактик хусусиятлари ўрганилганда, уларнинг қандай сўз туркуми билан ифодаланиши, сўзнинг қандай формада бўлиши ва қандай синтактик алоқа асосида бошқа синтактик бирликлар билан боғланиши назарда тутилади. Шу борада қайд этиш лозимки, синтактик алоқалар деганда асосан мослашув, битишув ва бошқарув [128; 234; 235; 167, 14-16] кабилар тушунилади. Аммо, синтактик алоқалар деб аталмиш мослашув, битишув, бошқарув муносабатлари синтактик қатламда универсал характерга эга эмас, яъни гапларнинг синтактик таҳлили жараёнида бундай алоқалар кўпинча тилга олинмайди. Айрим илмий тадқиқотларда эса бу алоқаларни сўз бирикмалари сатҳида ҳам, синтактик сатҳда ҳам ўрганиш ҳоллари кўзга ташланади [174; 240; 237]. Баъзан эса синтактик муносабатлар «атрибутивные, объективные, комплементивные» [11, 116; 62] каби турларга ажратилиб, ҳам сўз бирикмалари сатҳида қаралиб, уларнинг морфологик ва синтактик сатҳлар ўртасидаги турғунлик ҳолатлари таъкидлаб кўрсатилади. Бу борада, маълумки, кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотларда, гап қурилмасида элементар синтактик бирликларга ажратиш жараёни, “бошқарув” ни синтактик сатҳда қайта кўриб чиқишни тақозо этди [111, 50]. Гап қурилмасида элементар синтактик бирликлар субординатив ёки тобе алоқа асосида ажратилиши натижасида “бошқарув” деган атамага синтактик сатҳда ўрин қолмади [87, 64].

Юқорида келтирилган бундай илмий маълумотлардан англашиладики, улар асосан сўз бирикмалари сатҳида ўрганилмоқда. Бу фикримизнинг исботи учун синтактик сатҳда бир хил структурага эга бўлган қуйидаги гапларнинг синтактик таҳлилини кўздан кечирайлик:

1. I read a book – Мен китоб (ни) ўқийман.
2. I came home – Мен уйга келдим.

Биринчи гапда read a book, китоб (ни) ўқийман элементлари ўзаро бошқарув ёрдамида бирикади, иккинчи гапда эса синтактик алоқалардан бошқарув ҳам, мослашув

ҳам, битишув ҳам йўқ [168; 169]. Демак, биринчи гапда read, ўқимоқ феъли лексик маъносига кўра ўтимли бўлганлиги учун а book, китоб (ни) сўзи бошқарилаяпти, same, келдим феъллари ўтимсиз бўлганлиги учун унда бошқарув муносабати мавжуд эмас. Бундан кўринадики, бошқарув синтактик алоқа эмас, балки лексик (луғавий) алоқа туридир. Мослашув ҳам, битишув ҳам морфологик ёки лексик сатҳда учрайди. Бошқарувнинг лингвистик табиатини тўлиқ тушуниш учун, бошқарув сўз бирикмалар таркибида учраб, улар асосан луғатларда ёритилса, синтактик қурилмалар эса луғатларда ўз аксини топмайди. Шунинг учун ҳам бошқарувни синтактик алоқа эмас, балки лексик алоқа дейиш мақсадга молиқдир.

Синтактик алоқа ҳақида Люсьен Теньер шундай дейди: “Синтаксическая связь необходима для выражения мысли. Без нее мы не могли бы передать связанного содержания. Наша речь была бы простой последовательностью изолированных образов и идей, ничем не связанных друг с другом. Именно синтаксическая связь делает предложение живым организмом, и именно в ней заключена его жизненная сила. Значить, понятие синтаксической связи является таким образом, основной всего структурного синтаксиса” [163]. Шунинг учун ҳам мазкур тадқиқотда локатив элементли гапларни таҳлил қилишда, энг аввал, гап қурилмасида иштирок этган синтактик бирликларнинг ўзаро синтактик алоқаларини аниқлаш билан бошлаймиз. (қаранг 1.3).

Ундан ташқари гапнинг синтактик таҳлилида гап бўлакларига ажратиб таҳлил қилишда ҳам қатор муаммоли ҳолатлар кўзга ташланади. Масалан, тўлдирувчи масаласига эътибор қаратилганда, гапнинг кесимида ифодаланган иш-ҳаракат, йўналган белги ёки шу ҳаракатга предметни – объектни кўрсатадиган иккинчи даражали бўлак тўлдирувчи дейилади, яъни кесимни тўлдириб келади. Инглиз тилида унинг ифодаланиши бош келишиқдаги от билан, кишилиқ, эгалиқ, белгилаш, ўзлик, кўрсатиш, гумон олмошлари билан, отлашган сифат, сифатдош билан, инфинитив ёки инфинитивли бирикма ёки қурилма билан, герундий ёки герундийли қурилма билан, отлашган ҳар қандай нутқ элементи билан ифодаланади деб таъкидланса [35, 314-315; 211], ўзбек тилида эса от тўлдирувчи, от характердаги олмош билан, сифат характердаги олмош билан, сифат тўлдирувчи, сон тўлдирувчи, сифатдош тўлдирувчи, ҳаракат номи билан ифодаланган тўлдирувчининг турлари таснифланади [55, 112; 81].

Инглиз тилида тўлдирувчини шаклан ҳамда ҳаракатнинг бевосита ва билвосита ўтишига кўра предлогли, предлогсиз, воситали, воситасиз, мураккаб тўлдирувчиларга ажратишса, гапда кесим ўрнида келган феъл ва тўлдирувчи вазифасида келган элементнинг маънодошлигига кўра (cognate object) қариндош тўлдирувчига ажратади. Ўзбек тилида эса фақат воситасиз ва воситали тўлдирувчиларга ажратилади.

Инглиз ва ўзбек тиллари грамматикаларида тўлдирувчининг гап таркибида иштирок этиши кесим ўрнида келган феълнинг луғавий маъносига боғлиқлиги, яъни ўтимли феълларгина гап таркибида тўлдирувчини талаб қилади, деган тушунчалар мавжудлиги ҳамда тўлдирувчини юқорида қайд қилганимиздек талқин қилсак, гапнинг синтактик таҳлили жараёнида ўқувчиларни айрим қийинчиликларга, чалкашликларга олиб келади. Бизнинг назаримизда бундай ҳолатларда тўлдирувчи ўрнида келган синтактик бирликларнинг семантикасини, уларнинг вариантларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Гап бўлакларидан аниқловчи масаласига келсак, у предметнинг белгисини,

сифатини, миқдорини, қарашлилигини каби хусусиятларни билдиради, деб таърифланади. Бу ўринда белгиси аниқланаётган бўлак аниқланмиш дейилади. Аниқловчи ва аниқланмиш ўртасидаги муносабат (алоқа) эса атрибутив алоқа, деб юритилади. Бу борада ҳам аниқловчи аниқланмишга нисбатан битишув ёки атрибутив муносабатлари ҳам сўз бирикмалари таркибида қаралади. Рус тили мисолида қаралганда, айрим тилшуносларнинг таъкидлашича “аниқловчи аниқланмиш билан мослашув ёрдамида боғланади” [177, 18]. Ундан ташқари аниқловчи гап қурилмасида “кучли” ва “кучсиз” синтактик ўринларда келиши мумкин. Кучли синтактик ўринда келган аниқловчи тўғридан-тўғри аниқланмиш билан қўшимча маъно оттенкасиз берилади. Кучсиз синтактик ўринда келган аниқловчи аниқланмиш билан мослашмаган ҳолати тушунилади [177, 19].

Инглиз тилида аниқловчининг морфологик хусусиятларига эътибор қаратсак, у одатда от, олмош ёки отлашган сўз билан ифодаланган эга, тўлдирувчи, ҳол ва предикативнинг бир белгисини аниқлаб келади. Аниқловчи гапда аниқланмишга нисбатан тутган ўрнига кўра аниқланмишдан олдин турадиган аниқловчилар ва аниқланмишдан кейин турадиган аниқловчиларга бўлинади. Аниқловчи асосан сифат, ҳозирги замон сифатдоши, ўтган замон сифатдоши, эгалик, кўрсатиш, сўроқ, биргалик, нисбий олмошлар билан, санок ва тартиб сонлар, от, предлогли бирикмалар, равиш, инфинитив, инфинитивли бирикмалар ҳамда аниқловчи эргаш гаплар ёрдамида ифодаланади. Бундан ташқари изоҳловчи ҳам аниқловчининг бир тури ҳисобланиб, у олимлар томонидан зич (ажралмайдиган) ва ажратилган изоҳловчиларга бўлиб тадқиқ этилмоқда. Бу масала ҳам баҳсталаб муаммо эканлиги кўзга ташланади. Ўзбек тилида ҳам аниқловчи сифатловчи-аниқловчи, қаратувчи-аниқловчи, белгиловчи-аниқловчи, изоҳловчи-аниқловчи каби турларга ажратилади. Умуман олганда, юқорида келтирилган далилларнинг гувоҳлик беришича, тўлдирувчи бўлаги ҳам, аниқловчи бўлаги ҳам сўз бирикмалари сатҳида қаралиб, таҳлил этилаётганлиги аён бўлади.

Иккинчи даражали бўлаклардан ҳол масаласига эътибор қаратиладиган бўлса, бу борада ҳам ҳозирча ечими топилмаган жумбоқлар талайгина бўлиб, у асосан гап таркибида кесим вазифасини бажарувчи унсурга тобе бўлиб, ҳаракатни ифодаловчи бўлак ҳисобланади. Ҳол мазмун жиҳатидан равиш ҳоли, ўрин ҳоли, пайт ҳоли, сабаб ҳоли, мақсад ҳоли, миқдор – даража ҳоли, шарт ҳоли, натижа ҳоли ва қиёслаш ҳоли каби бир қанча турларга бўлинади.

Умуман олганда, гап таҳлилини бош ва иккинчи даражали бўлакларга ажратиб ўрганишда кўпгина ўз ечимини топмаган ҳолатлар мавжуд. Ҳол масаласига эътибор қаратилганда, кўпгина тилшунослар ҳолни тўлдирувчидан фарқлаш масаласида ҳам турлича фикрларни билдирмоқдалар. Масалан: акад. Л.В.Шчерба қуйидаги қурилмаларда “я достиг Киев”, “я получил письмо”, “я приехал в Киев” ҳеч қанақа синтактик фарқ йўқ дейди, “я жил в Санкт-Петербурге” гапида сегмент “в Санкт-Петербурге” – тўлдирувчи, “он живет в свое удовольствие в Санкт-Петербурге” қурилмасида эса “в Санкт-Петербурге” – ҳол деб таъкидлайди [196, 99-100].

Бундай баҳсталаб масалага В.В.Пак, 1975, К.В.Акулова, 1969, Я.И.Рословец, 1976, Г.А.Золотова, 1982 каби тилшунослар ҳам алоҳида эътибор қаратадилар ҳамда акад. Л.В.Шчербанинг биз юқорида келтирган мулоҳазаларини таъкидлайдилар. Бундай ҳолат инглиз тили мисолида ҳам баҳсталаб масала бўлиб қолмоқда [248, 214-216].

А.М.Мухиннинг фикрича, иккинчи даражали бўлакларни бир-биридан

фарқлашда лингвистик методлардан бири – алмаштириш (трансформация)га таяниш яхши самара беради. А.В.Шчербанинг берган мисолларида *“я жил в Санкт-Петербурге”, “я приехал в Киев”, гапларида “в Санкт-Петербурге”, “в Киев”* элементларини *туда, сюда* равишлари билан алмаштирилганда предлоглар сақланмайди, *жил, приехал* феъллари ўтимсиз бўлганлиги учун ўзига объект талаб қилмайди, улар локатив синтактик-семантиканинг вариантлари ҳисобланади [112, 170].

Бу борада В.М.Никитин ва Н.Д.Арутюновалар феъл ҳақида гапириб, феъл ҳаракатни (юриш, етиб келиш) ифодаласа, гап қурилмасида бундай феъллар тўлдирувчини эмас, балки ўрин ҳолини талаб қилиши мумкин [121, 170; 122, 146; 19, 214].

Биз ишимизда ҳолнинг барча турлари таҳлилига атрофлича тўхталмасдан уларга қисқача тавсиф бериб, бу соҳадаги айрим баҳсталаб масалаларни аниқ кўрсатишга, уларни синтактик қатламда лисоний методлар ёрдамида таҳлил қилишга эътибор қаратамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 64 б.
- 2.Каримов И.А. Ўзбекистон Фанлар Академияси умумий йиғилишида сўзлаган нутқидан. “Ўзбекистон овози”, 1994, 9 июл.
- 3.Абдуазизов А.А., Бушуй А.М., Бушуй Т. и др. История лингвистической типологии. – Ташкент: НУУ, 2006. – 176 с.
- 4.Абдураззаков М.А. Очерки по сопоставительному изучению разносистемных языков. – Ташкент, Фан, 1973. – 167 с.
- 5.Ага-Заде Н.Г. К вопросу сопоставительного анализа изучения языков // ИЯШ. – Москва, 1960, №6, С. - 107-112.
- 6.Адмони В.Г. Введение в синтаксис современного немецкого языка. Москва: Изд-во иностр. лит-ры. 1955. – 391 с.
- 7.Адмони В.Г. Синтаксис современного немецкого языка. Москва: Изд-во иностр. лит-ры, 1973. - 336 с.
- 8.Адмони В.Г. Второстепенные члены предложения в русском и немецком языках // Учен.записки, ЛГПИ, им.А.И. Герцена. 1960. – С. - - 3-11.
- 9.Адмони В.Г. Структурно - смысловое ядро предложения // Члены предложения в языках различных типов. Ленинград: 1972. – С. - 3-18.
- 10.Акбулатова А.М. Родительный падеж в структуре предложений английского языка // Автореф. дисс.... канд. филол. наук. Ленинград: 1984. – 21 с.
- 11.Акимова Г.Н. Новые в синтаксисе современного русского языка. Москва: «Высшая школа», 1990. – 168 с.
- 12.Акулова К.П. О разграничении обстоятельства и дополнения. В кн.: Вопросы германской филологии. Часть II. Ленинград: Изд-во ЛГУ, 1969. – С. - 3-10.
- 13.Алаторцев С.И. Место сопутствующего обстоятельства (обстоятельства сопутствующего действия) в системе обстоятельства (на материале немецкого языка) // Лингвистические исследования, 1981 / Грамматическая и лексическая семантика. Москва: 1981. С. 3-15.

- 14.Алферов А.В.Интеракциональный дейксис как средство организации речевого взаимодействия (на материале французского языка). // Автореф.дисс. ... докт. филол. наук. – Москва: МГЛУ, 2001. – 37 с.
- 15.Александров Н.М. Проблемы второстепенных членов предложения в русском языке. – Учен. зап. Ленинград. Гос. пед. инс-та им.А.М.Герцена, 1963, т.236, С. 427-439.
- 16.Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков. – Ленинград: Просвещение, 1979. – 259 с.
- 17.Аристова Е.Б. Субстантивные варианты агентивной синтаксемы // В кн.: - Лингвистические исследования. Синтаксический анализ разносистемных языков. – Москва: АН России. 1979. С. 8-13.
- 18.Арнольд И.В. Семантическая структура слова в современном английском языке и методика ее исследования. Ленинград: ЛГПИ им А.И.Герцина, 1966. – 128 с.
- 19.Арутюнова Н.Д. Предложения и его смысл. Москва, Наука: 1976. – 383 с.
- 20.Ашуров М. О способах передачи немецких определительных придаточных предложений с союзом Das на узбекский язык // Республиканская научная конференция / Вопросы сравнительной топонимии (германские, романские, русский, тюркские языки), (24-26 ноября 1981). Тезисы докладов. Ташкент: 1981, ТГПИИЯ, С.116-117.
- 21.Ашуров Ш.С. Инглиз ва ўзбек тилларида кесим типологияси. Филол. фанлари номзод. дисс... Самарқанд: 2007. – 154 б.
- 22.Ашурова Д.У. Восприятие иноязычного художественного текста // Преподавание языка и литературы. – Ташкент: 1997. – № 1. С. 46-50.
- 23.Афанасьева О.Д. Коммуникативная недостаточность высказываний, содержащих ситуативный дейксис // История языкознания, Литературоведения. Москва: 1989. Вып. 3. С. 93-96.
- 24.Бабайцева В.В., Максимов Л.Ю. Современный русский язык, часть III. Москва: Просвещение. 1981. – 271 с.
- 25.Баданина Л.А. Предложно-именные сочетания с предлогом for при глаголе в структуре английских предложений // Автореф. дисс. канд. филол. наук. Ленинград: 1978. - 24 с.
- 26.Баданина Л.Н. Предложно-именные сочетания с предлогом for при глаголе в структуре английских предложений / Дисс канд. филол. наук. Горький: 1978. – 168 с.
- 27.Бадхен М.В. Понятие пространственной локализации и его интерпретация в английском языке. – В кн.: Лингвистические исследования. Анализ синтаксических единиц. Москва: Изд-во АН СССР, 1986. С. 36-43.
- 28.Бархударов Л.С., Штелинг Д.А. Грамматика английского языка. – 3-я изд. Москва: Высш. школа, 1965. – 428 с.
- 29.Белинская Г.П. Парадигматический ряд субстанциальных локативных синтаксем и их вариантов в современном английском языке // Автореф. дисс. канд. филол. наук, Ленинград: 1981. – 24 с.
- 30.Белошапкина В.А. Современный русский язык. Синтаксис. Москва: Наука, 1977. - 328 с.